# I. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар)ларининг умумий ҳажми 24348,8 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 103,4 фоизни, шу жумладан ялпи деҳқончилик маҳсулотлари 9374,3 млрд. сўмни (106,0 фоиз), ялпи чорвачилик маҳсулотлари 14352,5 млрд. сўмни (101,4 фоиз), қишлоқ хўжалигида кўрсатилган хизматлар ҳажми 188,3 млрд. сўмни (140,7 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 81,4 млрд. сўмни (109,7 фоиз), овчилик хўжалигида 0,3 млрд. сўмни (98,9 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 352,0 млрд. сўмни (101,7 фоиз) ташкил қилди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизматлар) ҳажмининг тақсимланиши, фоизда**



**2020 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми ва ўсиш суръатлари**




Хусусан юқори ўсиш суръатлари Нишон (112,1 фоиз), Касби (108,5 фоиз), Муборак (107,7 фоиз), Косон (107,6 фоиз), Миришкор (107,1 фоиз), Чироқчи (106,6 фоиз), Яккабоғ (104,2 фоиз), Қамаши (104,0 фоиз), Деҳқонобод (102,6 фоиз) туманларида ўсиш кузатилди. Қарши туманида (94,0 фоиз), Шаҳрисабз (93,4 фоиз) ва Қарши (81,4 фоиз) шаҳарларида эса аксинча паст ўсиш суръатлари кузатилди.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)лар ҳажмининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши**



Вилоятнинг қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажмида Чироқчи туманининг улуши 12,7 фоизни ташкил этди ва худудлар бўйича етакчилик қилмоқда, Косон тумани 9,9 фоиз, Китоб тумани 8,4 фоиз, Касби тумани 8,3 фоиз ва Қарши тумани 8,2 фоиз кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллади, энг кам улуш Шаҳрисабз (0,8 фоиз) ва Қарши (0,6 фоиз) шаҳарларида қайд этилди.

**2020 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари (хизматлар)нинг ҳажми**

| | *млрд. сўм* | *ўсиш суръати %* |
|---|---|---|
| **Вилоят бўйича:** | **24348,8** | **103,4** |
| *шаҳарлар:* | | |
| Қарши | 152,0 | 81,7 |
| Шаҳрисабз | 196,0 | 101,2 |
| *туманлар:* | | |
| Ғузор | 1492,8 | 101,1 |
| Деҳқонобод | 1076,9 | 102,6 |
| Қамаши | 2188,5 | 104,0 |
| Қарши | 1995,6 | 94,0 |
| Косон | 2398,9 | 107,6 |
| Китоб | 2043,4 | 100,2 |
| Миришкор | 1606,5 | 107,1 |
| Муборак | 1139,1 | 107,7 |
| Нишон | 1557,7 | 112,3 |
| Касби | 2027,0 | 108,5 |
| Чироқчи | 3095,9 | 106,6 |
| Шаҳрисабз | 1628,5 | 93,4 |
| Яккабоғ | 1750,0 | 104,2 |

**2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши**

*(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)*




## ДЕҲҚОНЧИЛИК



2020 йилнинг январь-декабрида ишлаб чиқарилган деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 9374,3 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 106,0 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 39,5 фоизни ташкил қилди.

**Ҳосил йиғими**. 2020 йил январь-декабрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 495547 тонна сабзавот (100,2 фоиз), 176690 тонна картошка (101,8 фоиз), 168023 тонна озиқбоп полиз (103,0 фоиз), 163197 тонна мева ва резаворлар (95,5 фоиз), 93771 тонна узум (96,6 фоиз) йиғиб олинди. Бундан ташқари 885665 тоннадан ортиқ дон экинлари (94,4 фоиз) ишлаб чиқарилди.

## 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

| | *Фермер хўжаликлари* | | *Деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликлари* | | *Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар* | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *тонна* | *ўсиш суръати, фоизда* | *тонна* | *ўсиш суръати, фоизда* | *тонна* | *ўсиш суръати, фоизда* |
| Дон | 771603 | 93,8 | 94363 | 94,4 | 19699 | 121,0 |
| Картошка | 26712 | 95,3 | 149359 | 103,0 | 619 | 103,3 |
| Сабзавотлар | 121866 | 91,7 | 364566 | 103,1 | 9115 | 109,3 |
| Полиз | 78027 | 103,8 | 87926 | 100,7 | 2070 | 2,9 м. |
| Мевалар ва резаворлар | 92072 | 89,8 | 67218 | 102,0 | 3907 | 156,1 |

## 2020 йилнинг январь-декабрида ҳудудлар кесимида асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш

**Сабзавотлар** (*тонна*)




**Мевалар ва резаворлар** *(тонна)*





## ЧОРВАЧИЛИК

Келгусида чорвачилик соҳасининг имкониятларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган тизимли қўллаб-қувватлашлар натижасида қорамоллар бош сонининг ўсишига, ички истеъмол бозорларининг чорвачилик маҳсулотлари билан тўйинишига имкон яратди.

2020 йилнинг январь-декабрида чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 14352,5 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 101,4 фоизни ташкил қилди. Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 60,5 фоизни ташкил этди.

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 101,4 фоиз (жами 1620,5 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,8 фоиз (534,7 минг бош), қўй ва эчкилар 102,4 фоиз (4726,9 минг бош), отлар 102,0 фоиз (33,2 минг бош), паррандалар 102,2 фоизни (6180,3 минг бошни) ташкил этди.

**2021 йил 1 январь ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича чорва моллари ва паррандалар бош сони**

| | ***минг бош*** | ***ўсиш суръати, %*** |
|---|---|---|
| **Йирик шохли қорамол** | **1620,5** | **101,4** |
| *шу жумладан*: | | |
| Фермер хўжаликлари | 80,1 | 107,8 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 1517,1 | 100,8 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 23,3 | 116,3 |
| **улардан сигирлар** | **534,7** | **100,8** |
| *шу жумладан:* | | |
| Фермер хўжаликлари | 28,8 | 108,0 |

| | минг бош | ўсиш суръати, % |
|---|---|---|
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 500,2 | 100,4 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 5,7 | 107,5 |
| **Куй ва эчкилар** | **4726,9** | **102,4** |
| *шу жумладан*: | | |
| Фермер хўжаликлари | 352,9 | 117,4 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 4101,1 | 101,2 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 272,9 | 104,6 |
| **Отлар** | **33,2** | **102,0** |
| *шу жумладан*: | | |
| Фермер хўжаликлари | 4,1 | 114,8 |
| Деҳқон(аҳолинингшахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 27,8 | 100,3 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1,3 | 102,3 |
| **Паррандалар** | **6180,3** | **102,2** |
| *шу жумладан:* | | |
| Фермер хўжаликлари | 365,4 | 115,5 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 4483,1 | 104,8 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 1331,8 | 91,6 |

Умумий бош сонга нисбатан деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 93,7 фоизни, фермер хўжаликларида 4,9 фоизни ташкил этди, сигирлар мос равишда 93,5 ва 5,4 фоизни, қўйлар ва эчкилар 86,7 ва 7,5 фоизни, паррандалар 72,6 ва 5,9 фоизни ташкил қилди.

## 2021 йил 1 январь ҳолатига ҳудудлар кесимида чорва моллари ва паррандалар бош сони

**Йирик шохли қорамоллар** *(минг бош)*




*шу жумладан:* **сигирлар** *(минг бош)*




**Қўйлар ва эчкилар** *(минг бош)*




**Паррандалар** *(минг бош)*



2020 йилнинг январь-декабрида барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 297,3 минг тонна гўшт (2019 йилнинг январь-декабрига нисбатан 101,2 фоиз), 1177,7 минг тонна сут (102,5 фоиз), 528625 минг дона тухум (104,5 фоиз) ишлаб чиқарилди.



Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 98,5 фоиз, сут ишлаб чиқаришда 99,5 фоиз, тухум ишлаб чиқаришда 67,7 фоизни ташкил этди.

**2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари**

| | *миқдори* | *ўсиш суръати, %* |
|---|---|---|
| **Гўшт (тирик вазнда), *минг тн.*** | **297,3** | **101,2** |
| *шу жумладан:* | | |
| Фермер хўжаликлари | 6,6 | 102,9 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 286,6 | 100,8 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 4,1 | 136,5 |
| **Сут, *минг тн.*** | **1177,7** | **102,5** |
| *шу жумладан*: | | |
| Фермер хўжаликлари | 34,6 | 114,0 |

| | миқдори | ўсиш суръати, % |
|---|---|---|
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 1136,8 | 102,1 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 6,3 | 111,4 |
| **Тухум, *млн. дона*** | **528,6** | **104,5** |
| *шу жумладан*: | | |
| Фермер хўжаликлари | 16,6 | 102,8 |
| Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари | 341,1 | 99,7 |
| Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар | 170,9 | 115,6 |

**2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ҳудудлар кесимида асосий турдаги чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш**

**Гўшт** *(минг тонна)*




**Сут** *(минг тонна)*



**Тухум** *(млн. дона)*




**Фермер хўжаликлари**. 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 6105,1 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 105,2 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 25,7 фоизни ташкил этди. Деҳқончилик маҳсулотларининг ҳажми 5714,9 млрд. сўмни ёки 2019 йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати 105,4 фоизни, чорвачилик маҳсулотларининг ҳажми 390,2 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,2 фоизни ташкил қилди.

**Ҳосил йиғими**. 2020 йил январь-декабрь ойларида фермер хўжаликлар томонидан 771603 тонна  дон экинлари (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати (93,8 фоиз), 121866 тонна сабзавот (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати (91,7 фоиз), 26712 тонна картошка (95,3 фоиз), 78027 тонна озиқбоп полиз (103,8 фоиз), 92072 тонна мева ва резаворлар (89,8 фоиз), 36539 тонна узум (81,3 фоиз) етиштирилди.

**2020 йил январь-декабрь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари**

| | *2019 йил январь-декабрь* | | *2020 йил январь-декабрь* | | *2019 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|---|---|
| | *тонна* | *ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз* | *тонна* | *ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз* | |
| Картошка | 28043 | 16,2 | 26712 | 15,1 | 95,3 |
| Сабзавот | 132946 | 26,9 | 121866 | 24,6 | 91,7 |
| Полиз | 75156 | 46,1 | 78027 | 52,4 | 103,8 |
| Мева | 102535 | 60,0 | 92072 | 56,4 | 89,8 |
| Узум | 44960 | 46,3 | 36539 | 39,0 | 81,3 |

**Январь-декабрь ойларида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлари,** ***тонна***



**Чорвачилик**. 2020 йилнинг январь-декабрида фермер хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 6562 тонна гўшт (2019 йилнинг январь-декабрига нисбатан 102,9 фоиз), 34633 тонна сут (114,0 фоиз), 16624 минг дона тухум (102,8 фоиз) ишлаб чиқарилди.

**Фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари**

| | *2019 йил январь-декабрь* | | *2020 йил январь-декабрь* | | *2019 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида* |
|---|---|---|---|---|---|
| | *тонна* | *ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз* | *тонна* | *ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз* | |
| Гўшт | 6375 | 2,2 | 6562 | 2,2 | 102,9 |
| Сут | 30374 | 2,6 | 34633 | 2,9 | 114,0 |
| Тухум, минг дона | 16164 | 3,2 | 16624 | 3,1 | 102,8 |

2021 йилнинг 1 январь ҳолатига фермер хўжаликларида 80,1 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 28,8 минг бош сигир, 352,9 минг бош қўй ва эчкилар, 4,1 минг бош от, 305,4 минг бош паррандалар мавжуд.

**2020 йил январь-декабрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги чорвачилик маҳсулотлари**

